




BEYNƏLXALQ KONFRANS

# ÖZBƏKİSTAN LİDERLƏRİ

AZƏRBAYCAN ƏMƏKDAŞLIĞI  
İLƏ ALMANAX





ЎЗБЕКISTAN

International conference



# ЎЗБЕКISTAN LIDERLERI



ISBN: 978-99-53-85031-1

© Ibrohim matallardisO  
4505

2024





PART I

## ÖZBƏKISTAN LIDERLƏRİ

The "Özbəkistan liderləri" conference is an event organized to discuss the latest achievements and innovations in the field of science and technology. The conference provides a platform for sharing experiences and fostering collaboration, where scientists, researchers, students, and professionals present their scientific works.

The conference features presentations on a variety of topics, ranging from physics to biomedicine. It discusses emerging scientific technologies, artificial intelligence, and the interconnection between science and society. Additionally, the conference offers an opportunity to exchange ideas about the future of scientific research and the role of science in social development. The event also allows young scientists and students to present their research findings and establish new scientific collaborations.

ISBN: 978-1-326-78293-1

Özbəkistan liderləri ©  
2024



Абдулла УЛҲОВ

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

университети профессори, филология фанлари номзоди

e-mail: [abdullaulugov@gmail.com](mailto:abdullaulugov@gmail.com)

(ЎЗБЕКИСТОН)

Зўжко ва захматкаш адабиётшунос

Ўхшд Болтобоев – бадо

Хамидулла Болтобоев талкикотлари кишиларни эътибор қаратилган мавзу ва у билан боғлиқ муҳим муаммолар тўғрисида тафаккур қилишга, муноҳада қоритишга чорлайди. Бу захматкаш адабиётшуноснинг илмий изланишлари бошқа олимларнинг мақола ва китобларидагачан аввало ўзининг ана шу жаҳати билан алоҳида ажралиб туради. Ижодкор услуби, Абдурауф Фитрат ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги талкикотлари, “Ислом тасавуфи манбаълари”, “Шарк муштоз поэтикаси”, “Адабий-эстетик тафаккур тарихи” сингари кўплаб китоблари унинг чинакам изланувчан олим эканлига ёрқин исбот бўла олади. Фидоий олимнинг монография, мақолалари тираж маънавий мулоҳазаларга асослангани билан дарҳол диққатни ўзига жалб этади. У бирламчи асли манбаъларга асосланиб, тақлим қилган ҳаққоний далиллар мезна каби мустаҳкам ва салмоқдор эканлиги билан кишининг ақл-тафаккурини қувватлантиради. Чунки Хамидулла Болтобоев аксарият адабиётшунослардан фарқи холда, эътибор қаратилган муаммага илмда эришилган натижаларнинг юксак чўккисидан туриб қарайди. унинг ижодкорона қарашлари, баён қилган мулоҳазалари ақлий қуввати қувватлиги, фикри бешихов тиражлигига исбот бўла олади. Олимнинг ҳар жихатдан бири бирдан салмоқли китоблари, маъно-маъмуни бўлиқ мақолалари у дони янгиликка интилиши, киёсий-таҳлилий муноҳада қоритиши, ҳар қандай шароитда ижод қила олиши, ўзи учун ҳам, муноҳада қоритиши, ҳар қандай тетадиган ишлар қилишга имкон топиши, бошқалар учун ҳам нафр, фойдаси тетадиган ишлар қилишга кучли бўлгани, боғалигидан илм олишга, пул ишлашга иштиёқи, қизқиши кучли бўлгани, нақтиси тўғри тақсимлаши, маблагини ўринли сарфлаши, инвестицияси икки-уч баравар бўлиб қайтиши йўлларини излаб яшашини ойдинлаштиради. Ҳар бир инсонда маънавий далилларга ишонини ҳисси кучли экани, ҳар бир кишининг табияти, фитратда бошқа ҳиссиётларга қараганда айни тўғту устуи туришига Хамидулла Болтобоевнинг таржиман холи, илмий-педагогик фаолияти ёрқин мисол бўла олади.

Ҳаётини ўзбек адабий танқидчилиги равнақига бағтишган Умарали Норматов илмий раҳбарлигида 1983 йили “Ҳазирги ўзбек насаида услубий итганишлар” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб, адабиётшунослик

майдонига дадил қадамлар билан кириб келган Ҳамидулла Болтабоев ҳеч қачон бошқаларнинг қош-қовонига қараб, иш тутмайди. У аввало табиғатдаги ана шу кучли, ўзига хос феъъл-атвори билан бошқа ҳеч қимга ўхшамайди. Услубшунос сифатида ўзини намоён этиб, адабиётшунослик оламида жавлон ура бошлаган бу олим шахсий ҳаётида ҳам, ижтимоий, илмий фаолиятида ҳам ҳеч қимга таассуб қилмасдан, бошқаларга эргашмасдан, зуққолик билан ўйлаб, фикрлаб, ўзига хос йўл тутлади. У кўриб-шинганлари тўғрисида зудлик билан дарҳол мушоҳада юритадиган қобилиятга эга қамёб одамлар сирасига кирди. Энг муҳими, у шундай кишиларнинг ақсариятидан фарқи ўлароқ, табиғатидаги ана шу салоҳиятини асло исроф, увол қилмайди. Ақсинча муттаасил меҳнат қилиб, уни қувватлантириб, ўқирлаб, чархлаб боради. Унинг эътибор қаратилган муаммоларга ҳеч қимниқига ўхшамаган тарзда янгича ёйлашиши, масаланинг бошқалар назаридан четда қолган жиҳатларига диққатни жалб қилиши, мавзу юзасидан кўччиликнинг ҳаёлига келмаган салмоқли муҳим манбалар билан таништириши бунга аниқ исбот бўла олади. “Талант ва услуб” (1982), “Наср ва услуб” (1992), “Фитратнинг илмий мероси” (1996), “Фитрат – адабиётшунос” (1996), “Мумтоз сўз кадри” (2004), “Фитрат ва жадидчилик” (2007) сингари тадқиқотлари бу зуққо, меҳнатсевар инсон одамлар ҳамма замонада янгилликка ўч бўлиши, янгича фикр, янги манба кишиларнинг ақл-тафаккурига ҳаёбхаш озуқа бўлиб қуйилиши, худди шу нарса уларнинг онг даражаси, диди, савиясини ўстириши чуқур ҳис қилишдан далолат беради. Вақтининг барча нарсаси тезда яроқсиз ҳолга келтириб, истеъмолдан чиқариб ташлайдиган беаёв, шиддатли шамолига бардош берадиган салмоққа эга бу тадқиқотлар ҳар қандай кишини қасб-қори ривожини истаган ҳар бир одам ўзининг меҳнати маҳсули бошқаларникидан паст бўлиб, назардан четда қолмаслиги учун ҳаминша ҳаракат қилиши, одамларга мустаҳкам асоғга, ҳеч қимниқига ўхшамаган қандайдир янги бир нарса тақдим этишга интилиши зарурлиги тўғрисида ўйлангирди.

Кўриб-қузатгавлари, эшитиб-билганлари хусусида мулоҳаза юритадиган кишилар Ҳамидулла Болтабоев тўйлаб, нашрга тайёрлаган Абдурауф Фитрат “Танланган асарлари” беш жилдлиги (Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 2000 – 2010 йиллар)ни кўлига олиб, салмоқлаб кўрганга ҳам ўзи учун зарур кўн сабоқлар олади. Ушбу беш жилдликдаги изоҳлар билан танишайтганида эса у ушбу китобларни нашрга тайёрлаган зуққо ва заҳматқаш олим яққа ўзи илмий тадқиқот институтининг бутун бир илмий гуруҳи жамоаси бир неча йилда бажарадиган ишни амалга оширишининг уздаендан чиққанига тўла ишонч ҳосил қилади ва унга, албатта, қойил қолади. Чунки адабиёт илмининг бу заҳматқаш билдимдони “Танланган асарлар”даги ҳар бир қисса, ҳикоя, драма, дарелик, мақоланинг “таржиман ҳоли” билан батафсил таништириб, улардаги энг муҳим жиҳатлар, энг нозик нуқталар мезмун-моҳиятини очиб беради. Аллома Абдурауф Фитрат “Танланган асарлари”нинг 1-жилди 13-босма табоқ, 2-жилди

11-босма табоқ, 3-жилди 13-босма табоқ, 4-жилди 14-босма табоқ, 5-жилди эса 13-босма табоқдан ортиқ эканлиги ва уларнинг ҳар бири пишиқ-пухта, салмоқли изоҳлар билан тўлдирилган уларни нашрга тайёрлаган инсон нафақат адабиётшунос ва тилшунослар орасида, балки ижтимоий-гуманитар фанлар мутахассислари ичиде ҳам зуққолик, синчковлик, меҳнатсеварлик бобида тенгсиз, беқисб заҳматқаш ва зуққо эканлигини намоён этади. “Ислон тасавуфи манбалари (тасавуф назарияси ва тарихи)” (Тошкент: “O‘qituvchi” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. 400 б.) 25-босма табоқ, “Шарқ мумтоз поэтикаси (манба ва талқинлар). Биринчи китоб” (Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 430 б.) 27-босма табоқ, “Адабий-эстетик тафаккур тарихи. 1-жилд: Қадимги давр” (Тошкент: “Mumtoz so‘z”, 2012. – 400 б.) 25-босма табоқ, “Адабий-эстетик тафаккур тарихи. 2-жилд: Ўрта асрлар. Уйғонинг даври (IV – XVI асрлар)” (Тошкент: “Mumtoz so‘z”, 2016. – 428 б.) 26-босма табоқдан кўплиги ҳам Ҳамидулла Болтабоев кўтарган “хирмон” нақадлар улутвор, муҳташам эканлиги, у бу жиҳатдан ҳам бошқа ҳеч бир адабиётшуноста асло ўхшамаслигига аниқ ва ишончли далил бўла олади. Бунга яна бир исбот шуки, ўзбек адабиётшунослигида шу пайтгача Ҳамидулла Болтабоев тайёрлаб, нашр этган “Ислон тасавуфи манбалари”, “Шарқ мумтоз поэтикаси” ёки “Адабий-эстетик тафаккур тарихи”дек кенг қамровли манба йўқ эди. Олий ўқув юртлири талабалари ўқиб-ўрганиб, мутахассислар, адабиёт илҳосманлари мириқиб баҳра олиб фойдаланиб келаётган ушбу нашрлар ҳар жиҳатдан бақувватлиги босе филология соҳасида ўчмас из қолдиради. Улар адабиётшунослик, тилшуносликка онд ақсарият мақола, тўшам, қўллама, дареликлар сингари қисқа вақт ўтгач, ўз-ўзидан унутилиб кетмайди. Ваҳоланки, барча соҳаларда бўлгани сингари филология илмида ҳам муаллифнинг ҳамтовоклари, тарафдорлари саъй-ҳаракати, реклама, тарғибот-ташвиқоти кучлиги туфайли намунавий ўқув дастурлари, ишчи ўқув дастурлари “Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати”га, илмий-назарий даражаси, савияси эътиборга олинмаган ҳолда, қўшлаб нашрлар киритилади.

У ўзининг мана шундай бунёдкорлиги, меҳнатқашлиги, яратувчанлиги босе нафақат адабиётшунос, тилшунослар, балки юқорида ҳам таъкидланганидек, ижтимоий-гуманитар соҳа мутахассисларининг ҳеч бирига ўхшамайди. Албатта, адабиётшунос, тилшунослар орасида ҳам ёганларини жилд-жилд китоб қилиб, чон қилдирилган талайтгина. Лекин ана шу нашрларнинг ҳеч бири ўзининг аҳамияти, илмий савияси, яшовчанлиги даражаси жиҳатидан “Адабий-эстетик тафаккур тарихи”, “Ислон тасавуфи манбалари”, “Шарқ мумтоз поэтикаси” билан ёнма-ён туролмайди. Улар, ўз-ўзидан аниқки, “Фитрат – адабиётшунос”, “Фитрат ва жадидчилик” билан бўйлашолмайди. Албатта, бу баҳо барча кишилар сўзсиз қабул қилиши зарур қатъий ҳукм эмас. Бу мен оғиз банданинг ҳанас ва хайрати натижасида тутилган фикрлар, ҳолос. Ушбу мулоҳазани

маъқуллаш, қабул қилиш ёки инкор этиб, раддия билдириш эса ҳар қилмининг ўзинга, унинг виждонига ҳавола.

Абдурауф Фитрат "Таълиқ асарлар"и беш жилдликни қалбда адабиётга инебатган самимий муҳаббат, табиатда тугма зукколик ва меҳнатсеварлик хусусияти бўлмаган киши тайёрлай олмайди. Чунки биринчидан, юқоридда ҳам қайд этилганидек, улуг аллома асарлари матнини араб ёзувидан кирилла ва хозирги лотин ёзувиغا ўтириб, уларнинг мавжуд бир неча нашрларини қисқалаб, солиштириб чиқилдек оғир меҳнат машаққатини унинг яққа ўзи кўтаргани, бунга қойил қолмаган кишиларнинг виждони, ўз-ўзидан аниқки, каттик азобланади. Ушбу беш жилдик билан танишиб чиқсанлар билдикли, Ҳамидулла Болтабоев "Ҳинд сийёҳи" муаллифи асарларини тўлаб, у ёзувдан бу ёзувга ўтказишнинг ўзи билан қифолашмасдан, ҳар бир асарнинг барча нашрларини қисқалаган, уларга қандай муносабат билдирилганини тўғрисида батафсил маълумот берган, асар хусусидаги баҳо-мунозараларнинг энг муҳим жиҳатларига этибор қаратган, асарлардаги бугунги кун ўқувчиси тушунишга қийналадиган ўрилар маъно-мазмунини ойдинлаштириб изоҳлаган. Масалан, "Фитратнинг илк асари. Муаллифнинг ёшича, 1909 йилда ёзиб тугалланган эди (бу ҳақда "Ёнишмаган гажаклар" мақоласида ҳам маълумот бор). Асар 1911 йилда Истанбулда нашр этилган. Бу биринчи нашр турли манбаларда турлича кўрсатилгани учун унинг муқова варағини сўзма-сўз таржима қилиб келтирамиз: Ҳиндистонда бир фаранги билан бухороли бир мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилган МУНОЗАРАсен. Ҳақиқат фикрлар алмашинувиининг оқибатидир. 1-нашри. Бухороли Фитрат асари (асар унинг муаллифи ҳисобига нашр қилинмоқда). Истанбул, Исломия матбааси. Ҳикмат, 1327 (хижрий сана). Асар 1912 йилда "Туркистон вилоятининг газети"да, кейинроқ алоҳида китобча ҳақида Ҳожин Муин таржимасида (Махмудхўжа Бехбудийнинг "Мунозара ва "Шарк юлдузи" номли сўнг сўзи билан) босилиб чиқди. Ушбу тўламадаги матн асарнинг илк (Истанбул) нашрдан Ҳ.Болтабоев томонидан таржима қилинган ва "Шарк юлдузи" журналининг 1997 йил 1-сонида (117-165-бетлар) босилиб чиққан. Ҳожин Муин таржимасидаги матн шу кун китобхоналарига тушуниллиши оғир бўлгани ва сахнада қўйилишга мўлжаллаб, бир неча ўриллари қисқартирилгани учун уни айнан келтириб бўлмайди. Куръон ва ҳадислардан келтирилган намуналари матбаа етишмовчилиги учун араб ёзувида эмас, балки уларнинг ўқилиши берилди. Китобхоналарга матн мазмунини тўлиқ етказиш мақсадида, саҳифа остида оят ва ҳадисларнинг таржималарини келтирдик. "Мунозара" рус тилига ҳам таржима қилинган... "Мунозара" икки пардали сатирик пьеса сифатида Самарқанд ва Тошкент театрларида сахнага қўйилган... "Мунозара" ҳақида йигирмадан ортиқ тақриз ва мақолалар битилган бўлиб, уларни келтирамиз..." дейилган. (Фитрат А. Таълиқ асарлар. 1-жилд: Шерлар, насрий асарлар, драмалар. - Тошкент: "Маънавият", 2000. - 256 б. -

235-243-бетлар). Ана шу тарзда "Мунозара"даги 118 та ўринга изох берилган. Уларнинг аксарияти арабча, форсча сўзлар. "Куръон" оятлари, пайгамбар ҳадислари, тарихий шахелар номидир.

Ҳамидулла Болтабоевнинг хаёт йўли унинг шахсида, илмий изланишлари ва педагогик фаолиятида бошқа асарият адабиётшунослар, умуман, филологларда кўзатилмайдиган яна талайгина ижобий сифат, ибрат олишга арзийдиган хусусиятлар мавжудлигини кўрсатади. Масалан, "Ислон тасавуфи манбалари", "Шарк мумтоз поэтикаси", "Адабий-эстетик тафаккур тарихи" китоблари Ҳамидулла Болтабоев вақтининг барча нарсани барқур қилувчи шайқатсиз шамолига дош бериб, тарих синовларидан ўтган, кадр ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган манбаларни нуқтадонлик билан таний олиши ҳамда уларга эҳтиёж борган сари ўсиб ортишини чуқур хис қилишини намойиш қилади. Олий ўқув юрғларида муқобили йўқ муҳим манба сифатида ўқитиб келинаётган ушбу нашрлар Ҳамидулла Болтабоев замонавий ўзбек адабиётшунослигида ўзинга хос ўринга эга захматқаш, зукко мутахассис эканини кўрсатиб туради. Чунки шу пайтгача - ўтган юз йилликда ҳам, чорак қисми ўтиб бораётган XXI асрда ҳам талабалар тўлақонли, чинакам филолог бўлиб етишишида асқатадиган бундай дарслик, ўқув кўлланимлар яратилмаган эди. Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, "Ислон тасавуфи манбалари", "Шарк мумтоз поэтикаси", "Адабий-эстетик тафаккур тарихи"нинг икки китоби ўзбек адабиётшунослиги ривожига салмоқли хисса бўлиб қўшилди. Ўз-ўзидан аниқки, улар нафақат ўзбек, балки умумтуркий адабиётшуносликнинг алоҳида ютуқлари қаторида сўз сатъати илми майдонига ўзинга хос қурқ, салобат бағишлаб туради. Негаки "Ислон тасавуфи манбалари"да Куръони қарим, ҳадиси шариф, туркий тафсирга мурожаат қилиниб, мусулмон Шарк мумтоз адабиётининг маънавий-руҳий асослари хусусида сўз юритилади. Шу мақсадда: Абу Язид (Боязид) Бистомийнинг "Илохий мулоқот", Абу Али ибн Синонинг "Тайр қиссаси" (араб тилидан А.Ирисов таржимаси), Зайниддин Мухаммад Газолийнинг "Қимийи савоғат"дан парчалар (форс тилидан Мухаммад Исо таржимаси), "Муқошафул кулуб"дан парчалар (турк тилидан Миразиз Аъзам таржимаси), "Иҳйа ал-улуғ ад-дин"дан парчалар (турк тилидан Ҳ.Болтабоев таржимаси), Юсуф Ҳамдонийнинг "Рутбат ул-хаёт"дан парчалар (форс ва турк тилларидан Сайфиддин Рафъиддин ва Нодирхон Ҳасан таржимаси), Ҳожа Аҳмад Ясавий "Факрнома"си (нашрга тайёрловчи Р.Абдушукуров), Фахриддин Али Сафийнинг "Рашахоту айин-л хаёт"дан парчалар (Худойберган ибн Бекмухаммад таржимаси), Нажмиддин Кубронинг "Усули ашара" ва "Рисола илал хонм" асарларидан парчалар (форс тилидан Иброҳим Ҳақул ва Азиза Бектош таржимаси), Фариддин Атторнинг "Илохийнома", "Жаҳар уз-зоғ" асарларидан парчалар (форс тилидан Нажмиддин Комиллов таржимаси), Мавлоно Жалолиддин Румийнинг "Маънавийи маънавий" (форс тилидан Жамол

Камол таржимаси), "Фихри мо фихри" (турк тилидан Улугбек Хамдам таржимаси) асарларидан парчалар. Абул Мухсин Муҳаммад Бокирнинг "Макомоти Хожа Баҳауддин Нақшбанд"идан парчалар (форс тилидан Махмудхон маҳдум Хасанхон ўғли таржимаси), Хожа Аҳрор Велининг "Рисолати волидия"сидан парчалар (форс тилидан Махмуд Хасаний, Дилора Ражабова таржимаси), Фахриддин Али Сафийнинг "Раънахоту айни-л-хаёт"идан парчалар (форс тилидан Худойберган ибн Бекмухаммад таржимаси), Алишер Навоийнинг "Насойиму-л-мухаббат" (нашрга тайёрловчилар: С.Ғаниева, М.Мирзаахмедова), "Ситтаи зарурия" асарларидан парчалар, Хусайн Воиз Кошифийнинг "Футуваватноман султоний"сидан парчалар (форс тилидан Нажмиддин Комилов таржимаси), Захриддин Муҳаммад Бобурнинг "Мубаййин"идан парчалар (нашрга тайёрловчилар: С.Хасан, Х.Хасан), Сўфи Оллохёрнинг "Маслаку-л-муттақин"идан парчалар (С.Саифуллох таржимаси), Исхок Богистонийнинг "Тазкиран калалдароғ"идан (нашрга тайёрловчи М.Зокоров), "Рисолати калалдарий"идан парчалар (форс тилидан Сайфиддин Рафъиддинов таржимаси) тақдим қилинади. Ҳар жиҳатдан муҳим аҳамиятга эришган 28 та мабда адабиётшуносликда биринчи марта бир муқова остига жамлангани эътиборга олиниб, мазмунни тереин салмоқли изохлар, исмлар кўрсаткичи, асарлар кўрсаткичи, тасавуф истилоҳлари кўрсаткичи иштиёқ билан мутолаа қилиб чиқилса, албатта, "Ислом тасавуфи манбалари (тасавуф назарияси ва тарихи)" илмий мажмуаси XX–XXI аср ўзбек адабиётшунослигидаги энг жиддий, салмоқли нашрларидан биридир, деган ҳаққоний ва ҳолисона ҳулосага келинади. Шу бонс таниқли навоийшунос, академик Шухрат Сирожиддинов Фазлиддин Раъшанов билан ҳаммуаллифликда ётган тақризда "Ислом тасавуфи манбалари"ни "тасавуфини ёритувчи китоб" деб таърифлаган ва унинг аҳамияти тўғрисида мулоҳаза билдириб: "Бу китобни ўқиган киши тасавуфнинг асослари нимада, у қандай пайдо бўлди, моҳиятан нимага қаратилган, таълимот сифатида қандай шаклланди, назарий жиҳатдан қандай ривожланди, амалий қандай натижалар келтирди, машхур ва бу таълимотда ёрқин из қолдирган намоёндалар қимлар, улар тасавуфда нималарни кашф этдилар, тасавуф таълимотининг тарикатлари бир-биридан нимаси билан фарқланган ва қайси томонлама ўхшаш, унинг урф-одаатлари, қондалари қандай бўлган ва, ниҳоят, қандай одам сўфий дейилган ва уларнинг жамиятда ўрни қанақа бўлган, деган саволларга жавоб топа боради... Китобда даврийликка яхши аҳамият берилган... Хуллас, мажмуа тасавуф таълимоти ҳақида билим олмоқчи бўлган, унинг тарихи ва назарий қарашлари талриқи билан қизиққан китобхонлар учун жуда қўл келади. Бу китобда, асосан, Мовароуннаҳр ва Хуросон сўфийлик оқимлари вақиллари ва уларнинг ижодларидан намуналарга диққат қаратилган. Шу сабабли, биз бу тўшамдан нафақат минтақамиздаги тасавуф тарихи ва назарияси эмас, балки унинг шу ҳудудларда яшовчи халқлар ҳаётида қандай

мавқе тутгани тўғрисида муайян ҳулосаларга келишимиз мумкин" деб таъкидлаган ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 2006 йил 2 июни).

Абдурауф Фитрат "Танланган асарлари", "Ислом тасавуфи манбалари", "Шарк мумтоз поэтикаси"даги материаллардан, улар қайси жанрга мансублиги, қандай характерда эканлигидан катъи назар, одамларнинг барча мушуқлини осон хал қиладиган нарса – илм. Илм эса нарса-ҳодисаларни бир-биринга солиштириш, улар ўргасидаги фарқ, тафовутларни аниқлаш, бунинг учун машаққат тортиб, муттаасили меҳнат қилиш натижаида ҳосил бўлади, деган маъно-мазмунни аниқлашди. Хамидулла Болтабоевнинг кенг қўламдаги қиёсларга асосланган ширик-пукта изохлари, ўзинга хос ёндашудан келиб чиққан талкиларни ушбу асарлар бағридаги ана шу ҳақиқатни идрок этишга яқиндан қўмақлашади. Мазкур асарларнинг ўз ўқувчисига, оздир-қўлдир, ана шу самарали таъбири ҳам уларни бир муқова остида жамлаб, тақдим қилган инсон жуда зукко ва ниҳоятда заҳматқаш эканлигидан воқиф қилади. Ўзбек тилидаги дастлабки "Адабиёт энциклопедияси" ижодкори битган изохлар ва у қилган талкилар адабиётнинг асл моҳиятини англаш, унинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тушуниш ва тушунтириш жўн ва осон иш эмаслиги тўғрисида мушоҳада юритишга туртки беради. Шунда киши дарсликларда сўз санъати, унинг тараққиёти тамойиллари тўғрисида баён қилинган фикрлар мазмунини анча саёз экани тўғрисида беихтиёр ўйлай бошлайди. Ўз-ўзидан аёнки, айни жараёнда кишининг ҳаёт ва адабиёт тўғрисида тасавури терайлашиб, ўй-мушоҳалари доираси кенгая боради. Ҳақиқат, табиийки, у Абдурауф Фитрат сингари улуг алломалар асарларидаги маъно-мазмун миқёсини ҳеч бир мезон билан ўлчаб бўлмамлигини ич-ичидан ҳис қилади. Хамидулла Болтабоев қаламига мансуб талкин ва изохлар у ана шу асарлардаги маъно-моҳият улугворлигини бошқа адабиётшунослардан факри ўлароқ, ўзинга хос тарзда идрок этишга интилангидан дарак беради. Шунинг учун Абдурауф Фитрат "Танланган асарлари"ни ёки "Ислом тасавуфи манбалари"ни мутолаа қилганда беихтиёр кишининг баҳри дили очилади. Чунки "Адабий-эстетик тафаккур тарихи" муаллифи талкиларни, у битган изохлар бизни улуг алломалар олами билан маълан-руҳан яқинлаштиради. Натижада, киши ўзи сезмаган ҳолда, маълум фурсат, муайян муддатга бўлса-да, Абдурауф Фитрат ва бошқа зотлар билан ҳамнафас, ҳамлард бўлиб қолади. Ҳеч қимга таассуб қилмайдиган, ҳеч қачон бошқаларга эргашмайдиган, ҳамниша пукта ўйлаб, аниқ билиб иш тутадиган кишиларнинг фаолияти кўнчилиқка ана шундай таъсир ўтказди. "Шарк мумтоз поэтикаси", "Мумтоз сўз қалри" китоблари уларни ўқувчилар қўлига етказган зукко ва заҳматқаш адабиётшунос ана шу тоифадаги ажойиб инсон эканига далил, исбот вазифасини бажаради.



BEYNƏLXALQ KONFRANS

# ÖZBƏKISTAN LIDERLƏRI

AZƏRBAYCAN ƏMƏKDAŞLIĞI  
İLƏ ALMANAX

## CERTIFICATE

or active participation in the international conference «Özbəkistan liderləri» with their scientific article and creative work. This conference aims to highlight the global significance of Uzbek creators, promote their scientific and artistic achievements, and strengthen international cultural connections.

  
Founder scientific  
conferences  
«Esiconf»




# CERTIFICATE\_



\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

For your active  
participation in the  
Almanac-competition

**«Özbəkistan  
liderləri»**



*[Signature]*  
Founder scientific  
conferences «Esiconf»